

Москва шифохоналарида намозхоналар сони кўпайтирилади



10:05 / 22.04.2019 1896

«Яқин келажакда Москва шифохоналарида мусулмонлар учун намозхоналарнинг сони икки бараварга кўпаяди», деди Москва шаҳар муфтийси Илдар Аллоутдинов «Москва» шаҳри янгиликлари ахборот агентлигига берган интервьюсида.

– Бугунги кунда Москва шаҳрининг 10 та шифохонасида кўп конфессияли хоналар мавжуд, – деб давом этди интервьюсида муфтий. – Бу ерда ҳар бир намозхон бемалол ибодат қилиши мумкин. Март ойи охирида Н.Балохинга номидаги онкология марказида, куни кеча эса Москва наркология илмий-амалий марказида эркак ва аёлларга мўлжалланган намозхона очилди. Келаси ҳафтада Россия Соғлиқни сақлаш тизимидаги «Соғлом бола НМИЦ» марказида ҳам ташкил этилади. Яқин келажакда шифохоналар раҳбариятлари билан келишилган ҳолда намозхоналар сонини икки бараварга кўпайтириш режалаштирилган.

Муфтийнинг айтишича, намозхоналар беморларнинг мурожаатлари асосида ташкил этилмоқда. Шу билан бирга шифохоналарга имом домлаларнинг доимий бориб туришлари ҳам йўлга қўйилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти